

ФИЗИКА ФАНИДАН МУСТАҚИЛ ИШЛАРНИ БАЖАРИШДА ИНТЕРНЕТНИНГ РОЛИ

Махмудова Чарос

Мутахасис. Физика-астрономия

Талабаларнинг физика фанидан мустақил ўкув фаолиятини тўғри шакллантириш ўкув-тарбия жараёни самарадорлигини таъминловчи шартлардан биридир. Шунинг учун таълим жараёнида талабаларнинг мустақил таълим фаолиятини ташкил этиш, таълим самарадорлигини ошириш билан боғлиқ бўлган, лекин ҳозирча тўлиқ фойдаланилмай келаётган имкониятларни аниқлаш, физика ўқитиш методикасининг долзарб вазифаларидан ҳисобланади. Таълим фаолиятини ташкил этиш, шакллантириш ва ривожлантиришнинг турли жиҳатлари таниқли педагог ва психолог олимларнинг илмий изланишларида ўз аксини топган. Жумладан, Ю.К.Бабанский талабаларнинг меҳнат қилиши, ўқиши, ўрганиши, С.А.Рубинштейн эса мустақил таълим фаолиятини ташкил этишга алоҳида эътибор қаратган.

Олий таълим тизимида талабаларнинг ўзлаштириш самарадорлигини ошириш, биринчидан, профессор-ўқитувчининг педагогик маҳоратига боғлиқ бўлса, иккинчидан, талабаларни ўз устида кунт билан ишлашга ўргатиш, таълимнинг интерфаол усулларидан, шаклларидан, воситаларидан самарали фойдаланиш, мустақил билим олишга интилишларига боғлиқ бўлади. Физика фанидан талабалар билимини мустаҳкамлашнинг энг замонавий усулларидан бири - бу, уларнинг мустақил билим олишларини ташкил этиш, керакли маълумотларни излаб топиш ва таҳлил қилишга ўргатишидир. Талабаларнинг мустақил ишининг асосий мақсади –талабада муайян ўкув ишларини мустақил равища бажариш учун зарур бўлган билим ҳамда кўнимкамларни шакллантириш ва ривожлантиришдан иборат.

Демак, талабаларни мустақил билим олишини ташкил этиш, уларнинг ўтилган мавзуни ўзлаштириши, кўникма ва малакаси самарадорлигини ошириш, мустақил таълим олишига ва мустақил ишлашига боғлик бўлади. Мустақил ишни бажаришда дарслик, ўқув қўлланма, услубий қўлланма, маълумотлар базаси, илмий ва оммавий даврий нашрлар, интернет тармоғидаги тегишли маълумотлар, мавзу бўйича аввал бажарилган ишлар талаба учун ахборот манбай сифатида хизмат қиласди.

Ахборот технологиялари ривожланиб бораётган ҳозирги даврда, талабаларни интернетдан фойдаланиб билим олишга, масофадан туриб ўқишни амалга оширишга тайёрлаш лозим. Изланишлар натижаларига кўра олий таълим тизимида мустақил билим олиш ва масофавий таълимни жорий ва ташкил қилиш масалалари ҳозирги куннинг асосий вазифаларидан бири деб белгиланди. Маълумки, ахборотлар глобаллашуви даврида яшамоқдамиз. Ахборотларнинг манбай бўлган тезкор интернет тармоқларидан фойдаланиш услубларини ишлаб чиқишига эҳтиёж туғилади.

Масофали ўқитиши услуби замонавий билим олишнинг янги шаклидир. Бунда талабанинг мустақил фикрлаш, ҳолатни баҳолаш, хулоса ва баҳорат қилиш кобилиятлари ривожланади. Бевосита олий таълим муассасасига алоқада бўлиб туриб, алоҳида хизматларидан фойдаланиш усулидан бугунги кунда дунё миқсида кенг фойдаланилмоқда. Замонавий ахборот технологиялари воситасида электрон почта ва INTERNET тизими орқали зарур маълумотларни олиш ва шу асосда ўз билим, кўникма, малакаларини ошириш қўпчилик талаба ёшларни қизиқтириши табиий.

Мустақил иш ўқув режасида кўрсатилган муайян фанни ўзлаштириш учун белгилangan ўқув ишларининг ажралмас қисми бўлиб, унинг воситада олинадиган билим, кўникма ва малака услубий ва ахборот ресурслари жиҳатидан таъминланади. Унинг бажарилиши рейтинг тизими талаблари асосида назорат қилинади. Республикализ оммавий ахборот воситалари, илмий ва педагогик журналлар саҳифаларида, «масофадан ўқитиши», «масофавий

таълим» муаллифлар томонидан олий таълим тизимида, физика фанини ўрганишда талабалар томонидан катта қизиқиш билан қабул қилинмоқда[1,2].

Янги ахборот-коммуникациявий технологияларининг жамиятимиз хаётига жадал кириб келиши ва унинг тез суръатлар билан ривожланиб бориши, ахборот алмашуви жараёнини таҳлил қилиб кўришни ва бу технологиялар имкониятларидан фойдаланиб, таълим самарадорлигини ошириш усулларини ишлаб чиқишини тақозо этади. Физика фанини масофадан ўқитиши талабанинг ўз устида ишлаш, ўзига қулай бўлган вақтда ва жойда таълим билан шуғулланиш имкониятига эгалиги, маълумотларни ўзлаштириш учун вақтнинг чегараланмаганлиги; қўп сонли талабаларнинг бир вақтнинг ўзида маълумот базаларидан кенг фойдаланиш имкониятига эгалиги, ўқиш жараёнида ахборотлар маконига кириш ва уни билиш имконига эга бўлиш каби қатор жиҳатлари билан эътиборни тортади.

Ундан тўғри фойдаланиш учун ҳар бир мавзуга тегишли физикавий жараёнлар ҳамда тушунчалар асосида талабаларга мос бўлган йўриқномалар тайёрлаш, биринчидан, талабани мустақил ишлаш фаолиятини оширса, бошқа томондан ўқитувчининг мустақил таълим бериш қобилиятини талаб даражасигача фаоллаштиради.

Шу билан биргаликда талабалар интернет манбаларидан фойдаланиб, мустақил ишлаётганларида қуйидагиларга эътибор беришлари лозим:

Фойдаланилаётган маълумот ҳаққонийлиги-маълумотнинг ҳаққонийлигини баҳолаш учун ахборот муаллифи ҳақида маълумот излаш лозим. Агар ахборот муаллифи катта тажрибага, яхши лавозимга, илмий даражага эга бўлса ахборот ҳаққонийлиги сезиларли ўсади. Ахборот муаллифи ҳақида маълумот излаш учун унинг блоги, микроблоги, фойдаланувчилар тавсияларидан фойдаланиш мумкин ёки қидирув сайтида унинг НИКи (тахаллуси) ни териш мумкин;

Ахборот имловий хатоларига эътибор бериш лозим, чунки имловий хатолари кўп бўлган ахборотларда фактларнинг хато сақлаши эҳтимоли жуда катта. Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, физика фанидан интернет тармоғи ва унинг элементи бўлган масофавий таълимдан анъанавий ахборот манбаларидарсликлар, ўқув ва услубий қўлланмалар (кўрсатмалар), илмий нуқтаи назарли адабиётлар билан биргаликда физика фанидан ўтилган мавзуларни тўлиқ умумлаштиришни ва замон талабига жавоб берувчи баркамол шахсни тарбиялашнинг асоси бўлади.

Адабиётлар рўйхати:

1. Ходиев Б., Голиш Л. Мустақил ўқув фаолиятини ташкил этиш усул ва воситалари. Т.:2010 й.
2. Зокиров К.К., Мамаражабов Ш.И. Баркамол авлод тарбиясида физика фанидан масофавий таълимнинг муҳим аҳамиятлари. —Ўзбекистон автомобил-йўл комплексининг долзарб муаммолари‖ Республика илмий-амалий анжуман материаллари тўплами. Т.:2010 й., 2-қисм 22-23 б.
3. [3. http://www.saferunet.org/adult/news/845/](http://www.saferunet.org/adult/news/845/)